

Аёл тўсатдан чўчиб уйгонди. Соат тунги икки ярим эди. Назарида ошхонада кимдир нимагадир туртингандай бўлди. Ўша тарафга кулок осди. Жимлик эди. Шу кадар жимликки... У кўлларини ёнига ташлади, бўм-бўш. Э-ха, ана гап каёқда экан. Аёлнинг нафаси ичига тушиб кетди.

У аста ўрнидан турди ва коронги хонани бир-бир босиб, ошхонага кирди. У ерда нимадир оқариб кўрингандай бўлди. Чирокни ёккан эди, карангки, эри... Энди улар ички кўйлакда, тунги соат икки яримда, яна ошхонада бир-бирларига рўбарў туришарди.

Ошхонадаги стол устида нон солинган ликопча турар, унда кесилган нон ва пичок бор эди. Оёгидан совук ўтгандай бўлиб, аёл жунжика бошлади.

— Ошхонада кимдир юрибдимикан, деб ўйлабман, — деди эри атрофга жовдираб.

— Менинг кулогимга ҳам нимадир чалингандай бўлди, — деди аёл ва шу дамда эрининг кўйлакчан жуда каримсик кўринишига ажабланди. Олтмиш уч ёшга кирди-да, ўзиям. Кундузи сал ёшрок кўринади.

“Кампирим ҳам қариб қолибди, — деб ўйларди эркак ҳам шу тобда. — Ич кўйлакда янаям кексайиб кўринаркан, тавба”.

— Оёгингга бирор нарса илиб олсанг бўлмайдимиз? Шундай совукда ялангоёк турибсан-а, шамоллаб коласан-ку, — деди у.

У эрига карамади ҳам. Шунака ёлгон сўзласа, чидай олмайди. Ахир бир ёстикка бош кўйганларига ўттиз тўккиз йил бўляпти-ю, халиям тил учида сўзлайди.

— Кара-я, ошхонада кимдир юрибди, дебман, — эри шундай деб, хонанинг у бурчидан бу бурчига бемаъни тикилди. Кимнингдир овозини эшитгандай бўлди.

— Менга ҳам шундай туюлди, — аёл дастурхондаги увокларни кўли билан тўплай бошлади. — Хар калай, ҳеч ким йўқ экан-ку.

— Рост айтасан, ҳеч ким йўқ экан, — эрининг овози гайритабиий чикди.

Аёл эрига ачинди:

— Ўрнингга ёта қол, ўша тараклаган нарса ташқарида экан, шамоллаб қолмагин тагин. Эр дераза тарафга қаради.

— Ха, ташқарида бўлса керак.

Аёл ликопча тарафга қарагиси келмай, чирокни тезроқ ўчиришни истарди.

— Албатта ташқарида, қаерда бўларди. Шамолда тарнов деворга тегиб, тараклаб туради. Ўша тарнов бўлса керак.

Улар коронгу йўлакдан қайтиб, ётоқхонага ўтдилар.

— Ха, ўзиям шамол туни билан увиллаб чикди-да.

Ўринларига ётишгач, аёл эрининг гапини маъқуллади:

— Шамол бўлганда тарнов тақирлар экан-да.

— Мен бўлсам, ошхонадами деб ўйлабман, — эри уйку аралаш гўлдирарди. Овозидан алдаётгани сезилиб турарди.

— Хаво ҳам совибди, — эснади аёл. — Кўрпани ёпинмасак бўлмас. Хайрли тун.

— Хайрли тун, — аранг жавоб қайтарди эр. — Совук чаккимас...

Сўнг атрофга сукунат чўкиб, бир неча дақиқа ўтгач, аёл эрининг хўрсинаётганини сизди. Уйгоқлигини билдирмасликка тиришиб, жим ётаверди. Шу зайлда аёлнинг кўзи илинди.

Кейинги қуни оқшом эри уйига қайтгач, аёл унинг олдида тўрт бурда нон қўйди. Одатда уч бурда қўярди.

— Бемалол олавер, ош бўлсин, — деди у эрига.
Эр нонни иштаха билан еярган, ўзини сезмаганга олди, аммо бошини кўтармасди.
Аёлнинг эрига раҳми келиб кетди.

Немис тилидан Мирзаали Акбаров таржимаси